



КОММУНАЛ СОҶАДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАРИФЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН КЕЛИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 сентябрь куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Касаллик ҳамон бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани, сўнгги кунларда юртимизда ҳам беморлар сони кўпайгани афсус билан қайд этилди. Темир интизом ва тартибни таъминлаб, барча жойларда санитария талабларига қатъий амал қилиш кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Куз мавсумида шамоллаш кўпайиши, корона-вирусга қўшимча бошқа касалликларнинг орт-шини инобатга олиб, беморлар учун яратилган заҳира ўринларини кўпайтириш, зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва мактаб ўқитувчилари-ни, 65 ёшдан ошган кексаларни гриппга қарши эмлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Коммунал тармоқларнинг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан. Шу боис, давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йил 17 июль куни ўтган видеоселектор йиғилишида соҳадаги муаммолар муҳокама қилиниб, ишни янгича тартибда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Шунга мувофиқ, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимидаги лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, тарифларни белгилашни маҳаллий кенгашлар билан келишиш тартиби жорий қилинмоқда.

Мисол учун, Олмалиқдаги ичимлик суви таъминоти корхонасига қарашли 52 та насос янгиланиши натижасида корхонанинг умумий қаражати 22 фоизга, электр энергияси сарфи 2 бараварга қисқарган. Шаҳар аҳолиси сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминланмоқда. Худди шунингдек, сўнгги 3 йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида Гулистон шаҳрининг ичимлик суви таъминоти масаласи ҳам тўла ҳал бўлди.

Йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ўшуб тажриба асосида келгуси йил учун мўлжалланган 28 та янги лойиҳани маҳаллий кенгашлар билан келишиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, жорий йилда якунига етказиладиган 360 та лойиҳани қабул қилиб олиш бўйича топшириқ берилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, қарийб 2 мингта аҳоли пунктига марказлашган сув етказиб бериш техник жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис, бундай ҳудудларни хусусий сектор орқали сув билан таъминлаш маъқул келмоқда.

Мисол учун,

Ўзбекистон туманида ижтимоий шериклик асосида қудуқ ишга туширилиб, 6 та узок қишлоқдаги 11 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланган эди. Бунга кетган харажатлар 2 йилда ўзини қоплади. Шунингдек, Амударё туманида 8 та сув тозалаш шохобчаси қурилиб, 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 7 та маҳалла тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лойиҳа 3 йилда ўзини оқлайди.

Бу тизимнинг қўлайлиги шундаки, ичимлик суви объектилари қуриш ва ускуналар харид қилиш учун хусусий секторга кредит берилиб, унинг 14 фоизидан юқори қисмига давлат томонидан субсидия ажратилади. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар шундай лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Йиғилишда мамлакат бўйлаб 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари танқид қилинди. Мавжуд 70 минг километр сув қурувларининг 32 фоизи эскирган. Оқибатда улардаги йўқотишлар даражаси 40-50 фоизни ташкил этмоқда. Бу йилига қарийб 500 миллион куб метр сув ёки ўртача 300 миллиард сўм дегани. Бундан ташқари, жойлардаги насос ускуналари ва махсус техникалар ҳам таъмирталаб бўлиб қолган.

Шу боис, келгуси йилдан инвестиция дас-турларида соҳага ажратилаётган маблағнинг 10 фоизини сув объектиларига энергия тежов-чи ускуналар ўрнатиш ҳамда махсус техникалар харид қилиш учун йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектиларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Бу йил қиш совуқ келиб, ҳаво ҳарорати

олдинги йилларга нисбатан 2-5 даража паст бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, куз-қишга тайёргарлик юзасидан Тошкент шаҳрининг 12 та тумани, Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоят бўйича алоҳида-алоҳида қарор қабул қилиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Тошкент шаҳри туманларига, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари вилоятларга шу масалалар бўйича масъул этиб бириктирилди. Тайёргарлик ишларини, энг аввало, бу борада аҳвол оғир бўлган 56 та туман ва шаҳардан бошлаш кераклиги таъкидланди.

1 ноябрга қадар 3 мингдан зиёд таъмиргга муҳтож кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, 131 та ижтимоий соҳа объектини мукамал ва 3 мингта сани жорий таъмирлаш вазифаси қўйилди. Тиббиёт ва таълим муассасаларининг тайёргарлик ҳолати кўриб чиқилди.

Бу йил куз-қиш мавсуми учун 6 миллион тонна кўмир маҳсулотлари зарурлиги қайд этилиб, уларни ғамлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Кўмир арзон бўлиши учун уни импорт қилувчи тадбиркорларга темир йўлда ташиш бўйича чегирма бериш муҳимлиги таъкидланди.

Бош прокуратурага кўмир нархини асоссиз ошириб юбориш, тамагирлик ва талон-тароз ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрсатма берилди.

“Худудгазтаъминот” акциядорлик жамиятига табиий газ танқис ҳудудларга 385 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Жорий мавсумда электр энергиясига талаб ўтган йилгига нисбатан 7,5 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу соҳа барқарор ишлаши учун иссиқлик электр станцияларини табиий газ ва мазут билан таъминлаш, электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторларни таъмирлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида ҳукумат аъзолари, тегишли тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

Мушоҳада



Ҳаним ЎЙДОШЕВ оғани суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БЎСАҒАСИДА

Инсоният тарихида кечган буюк Ренессанслар билан боғлиқ катта сакрашлар, туб янгиланишлар ҳамisha узок давом этган интеллектуал-маънавий депрессиялар, миллий инқирозлар, қийинчиликлардан кейин бошланган.

Бунга қадимги Миср, Хитой, Юнонистон ва Рим империяси ёхуд Мовароуннахрда юз берган юксалишлар ёрқин мисол бўлади. Мамлакатимиз ҳудудида VII–XII асрларда кечган биринчи, XIV–XVI асрларда кечган иккинчи Ренессанс даврлари ҳам халқимизнинг буюк истеъдоди, катта меҳнати, синов ва уқубатларга чидаи ҳамда сабр-бардошлигининг маҳсули бўлиб кириб келган.

Агар биринчи Ренессанс миллатимиз ва бутун инсониятга Хоразмий,

Бухорий, Маргиноний, Беруний ва Ибн Синолар тимсолида ҳозир амалда бўлган рақамлар (замонавий санок тизими), алгоритмлар, алгебра, ҳадис илми ва тиббиётни берган бўлса, иккинчи Ренессанс Улугбек, Али Қушчи, Навоий, Бобур тимсолида астрономия, миниатюра, кимё, адабиёт, география, тарих фанларини янги поғонага чиқарди.

Давоми 3-бетда

Адиблар хиёбонида

ТАБАРРУҚДИР ОСТОНАСИ, ЭЛНИНГ МАЪРИФАТХОНАСИ

Адиблар хиёбонидаги бу галги тадбирларга барвақтроқ ошиқар эканмиз, талаба ёшлар, уларнинг устозлари этиб келгунларига қадар тадорик қуриб олишни дилга туккандик. Аммо ҳазрат Навоий айвонидан пастга қараб тушар эканмиз, аллақачон Эркин Воҳидов, Ибройим Юсупов, Александр Файнберг ҳайкаллари пойига анвойи гулларни қўйишга улгурган ёшлар, уларга бош-қош бўлаётган профессор-ўқитувчиларга кўзимиз тушди.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ оғани суратлар.

Бир текис саф тортган Миллий гвардия Ҳарбий-техник институт курсантлари Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг шохларча мағрур қиёфасига ҳавас-ла боққан кўйи навбатдаги маънавият соатига тайёр турибди. Тадбир жараёнида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими Тўлқин Ҳайитовнинг “Минг аскари таъзуки” рисоласининг тақдироти ҳам режалаштирилган экан.

Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг мафкуравий ва тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи подполковник Акрам Исмолов Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди томонидан институт кутубхонасига 200 дан зиёд китоб ҳадя қилинганини алоҳида эътироф этди.

Барча курсантларга тақдим этилган мазкур рисолаи арақлаб, йўқловчиларини гўёки “Эркин ўғлингман, қабул эт”, дея қарши олаётган Эркин Воҳидов сиймоси томон йўл олди. Ўзбекистон Миллий университети жамоаси вакиллари шoirнинг ўзидек самимий ижодига муносиб ёндашиб, унинг ўлмас сатрлари ила кўнгилларни шод этдилар.

Сал нарида эса Александр Файнберг ижодининг асл мухлислари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети талабалари сахна чиқишлари устида ишлашяпти. Талабаларининг чиқишлари яхши бўлиши учун жон куйдираётган университет ўқитувчиси Таҳмина Рауповани суҳбатга чорладик.

— Бугунги маънавият соатига тайёрланиш асносида Александр Файнберг шахси ва ижодига бўлган ҳурматим янада ошди. Сўнгги кунларда унинг бир нечта китобини ўқиб чикдим, — дейди ёш педагог.

Тошкент кимё-технология институти талабаси Нодира Маҳмуджонова эса адабиётга ошурфта қалбдан асло ёмонлик чиқмаслигини, бугун янги Ўзбекистонда ўзининг миллий қадриятларидан йироқлашмаган, замон талабларига жавоб берувчи етук кадрлар етишиб чиқаётганини ёшларга хос шахд билан таъкидлади.

Дарҳақиқат, интеллектуал салоҳиятли, ҳар жабҳада фаол ёшларимиз миллийлик руҳи билан маънавиятини бойитиб, камолга етмоқда. Миллат фидойиларининг орзу-армонлари ҳаёда тўла акс этиши учун эса уларга миллатнинг, миллийликнинг қадрини теран англатиш энг эзгу амаллардандир.

Давоми 2-бетда





Музаффар АБДУЛЛАЕВ

Бошланиши 1-бетда

Адиблар хиёбониди



ТАБАРРУКДИР ОСТОНАСИ, ЭЛНИНГ МАЪРИФАТХОНАСИ

Тафаккур ва мушоҳада манбаи



Авазжон МАРАҲИМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети ректори:

— Бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ва маънавий ҳаётида юз бераётган ислохотларнинг натижаси амалда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Адабиёт ва ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ҳам шундан далолатдир.

Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудидида Адиблар хиёбонининг ташкил этилиши ва ўзбек адабиётининг 24 буюк адибига ҳайкал қўйилиб, уларнинг ижоди кенг миқёсда чуқур ўрганилиши ҳам мамлакатимизда адабиёт, маданият ва санъат соҳасидаги кенг қамровли ислохотларнинг изчил самараси бўлди. Адибларимиз орасида ўзининг бутун ижодини, умрининг мазмунини миллат ва халқ равақига сафарбар этган ижодкорлардан бири Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовдир.

Севимли шоиримиз ўз вақтида Ўзбекистон Миллий университети фахрий профессори унвонига сазовор бўлган эди. Университет жамоаси ҳам, давлатимиз раҳбари белгилан берганидек, умрини келажак авлодни юксак маънавиятга етук шахс қилиб тарбиялашга сарфлаган буюк ўзбек адибининг самарали ҳаётий фаолияти, серқирра ижодини изчил ўрганишга астойдил киришган.

Жумладан, Эркин Воҳидов илмий-маърифий марказининг ташкил этилиши билан бу соҳада олиб борилаётган ишлар илмий тизимга солинади.

Ёшларимиз шоир ижодини шунчаки тарғиб этибгина қолмай, бир қатор илмий тадқиқот ишларини бажаришга киришган. Шоир асарлари тадқиқотига бағишланган илмий мақолалар Scopus, Web of Science халқаро индексацияланган журналлар ҳамда халқаро конференция материалларида чоп этилмоқда.

Университетнинг барча факультетларида “Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди” мавзусида 8 соатлик аудитория дарслари ўтказилиши режалаштирилган. Таълим муассасамиз ва адиб номидаги ижод мактабининг энг истеъдодли ижодкор талаба ва ўқувчилари учун Эркин Воҳидов стипендияси жорий этилди. “Эркин Воҳидов издошлари” номли тўпламдан ёш ижодкорларнинг назм, наср соҳасидаги ижод намуналари, хорижий филология факультети талаба ва тадқиқотчилари томонидан инглиз, рус тилларига қилинган таржималари ўрин олган. Бу тўпламнинг мантқиқий давоми сифатида Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчиларининг шеър ва ҳикоялари алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

“Эркин Воҳидов замондошлар хотирасида” тўпламини нашр эттириш ва китоб тақдиротини ўтказиш шоирнинг таваллуд кунига белгиланган. Ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм сценарийси тайёрланиб, бу борада “Ўзбекино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда фильм яратиш устида иш бошланди.

Самарқанд давлат чет тиллар институти билан ҳамкорликда ўзбек ва хитой тилларида тайёрланган “Самарқанд кечаси” деб номланган китоб ҳам адиб ижоди муҳлислари, тадқиқотчилари, маҳорат йўлларини излаётган олим ва адибларимиз ҳамда ёш адабиётшуносларимиз учун муносиб совға бўлади.



Мирзаяюсуф РУСТАМБОВ,
Миллий гвардия
Ҳарбий-техник институт
бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист:

Ўзимизнинг Файнберг



Улуғбек АЗИЗОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети
ректору:

— Ўзбек адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшганлар орасида Александр Файнберг номи ҳам алоҳида тилга олинади. Шоир ўзбек тилида ижод қилмаган бўлса-да, шеърларида ўзбек халқига хос жиҳатлар, қадриятлар моҳирона акс эттирилган. Шунинг учун ҳам кўпчилик ижодкорлар уни

Ватан соғинчини Бобурдек ҳис қилиш керак

— Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган “йўл харитаси”га мувофиқ, ҳафта-нинг ҳар чоршанбаси “Бобурхонлик кун”и деб эълон қилинди.

Адиблар хиёбониди институт ҳарбий хизматчилари томонидан таниқли шоирлар, ёзувчилар, бобуршунос олимлар ҳамда санъат намояндалари иштирокида қирққа яқин маънавий-маърифий тадбир, Бобур ҳаёти, ижоди ва унинг ҳарбий маҳоратига бағишланган республика онлайн илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Хиёбонда мунтазам ташкил этилаётган очик дарсларга академик Абдулла Аъзамов, Ўзбекистон халқ

ёзувчиси Муҳаммад Али, профессор Боқижон Тўхлиев, доцентлар Буробия Ражабова, Қодиржон Эргашев, Эргаш Очиллов, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ва бошқалар тақдир қилинди.

Маънавият соатларининг бирида “Олдузли тунлар” романи юзасидан қизгин баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Албатта, бу каби суҳбатлар уларнинг қалбиди одамийлик, бағрикенглик, кечиримлик каби туйғуларни уйғотди. Ҳар бир очик дарс ва машғулотлардан кейин курсант ва офицерлар Бобур ҳақидаги бадий, илмий характердаги китобларни ўқиши эса алоҳида эътирофга лойиқдир. Бундай маърифий, адабий тадбирлар аждодларимиз қолдирган адабий, илмий ва маънавий меросни нафақат

видеороликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларга жойланмоқда. Университет веб-сайтида (<http://uzswlu.uz>) алоҳида электрон саҳифа яратилган. Ушбу манзил орқали ўқувчилар адибнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, таржималари ҳақида кенг маълумотга эга бўлишлари мумкин. Университетнинг магистратура босқичи талабаси Авазхон Ҳайдаров Александр Файнбергининг рус тилида битилган шеър тўпламини тўлалигича ўзбек ва инглиз тилларига таржима қилгани ҳам диққатга сазовордир. Шоирнинг

ёшларимиз, балки барчамизнинг ўқиб-ўрганишимизга сабабчи бўлмоқда. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар курсантларимизда юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, юрт тупроғини, ватанини Бобурдек севишга, унинг соғинчини Бобурдек ҳис қилишга ундайди. Шу ўринда институтда уч нафар мустақил изланувчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятига доир илмий тадқиқот ишларини олиб бораётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Моҳир саркарда ҳаёти ва ижодига бағишланган “Йўлбарснинг туғилиши” номли бадий ва ҳужжатли фильмни суратга олиш учун “Ўзбекино” Миллий агентлиғи, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамда “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи ва бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар билан меморандум имзоланди.

Айни кунларда Бобур номидаги халқаро жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти каби ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор тадбирларни ўтказиш режалаштирилмоқда. Уйлаймики, ҳамиша згулиқни тараннум этган Бобур ижодидаги асл моҳиятни очиб беришда бундай ҳамкорликлар муҳим ўрин тутати.



Ҳар ўзбекнинг юрагини ўзиники қилган шоир



Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
ректору:

— Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф: “Олмосдан ҳам кескин шамширларни қўлга олиб, тупроқни тўшак қилиб, от эгарини болиш қилиб, Жалолдин каби жаҳонгашта бўлиб, умрларининг ярмини тоғу тошда ўтказган, кўкракларини кўроғинга қалқон қилиб, оқ яқтакларни ўзларига қафан қилиб, чакалақзорларни макон

қилиб, шу юрт, шу замин учун жонларини фидо қилган бобларимиз ҳақи-қурмати Ватанимизни жон қадар асрамоғимиз лозим”, деган эди.

Юртимиз ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриб, бетакрор асарлар яратган шоиримизнинг ижодини ўрганиш бўйича Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида айни пайтда бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шоир меросига бағишланган махсус онлайн ўқув курси жорий этилиб, талаба ёшларга адиб асарлари чуқур ўргатилмоқда. Шунингдек, таълим муассасасида талаба ёшлар учун “Муҳаммад Юсуф издошлари” ижодий тўғараги ташкил этилди ва ушбу тўғараққа Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо раҳбарлик қилаётган бўлди. Институт ҳовлисидаги марказий қўшқ шоир номи билан аталди ва жиҳозланди. Шунингдек, ёшлар шоир ижодидан мунтазам хабардор бўлиши, у яратган асарлардан маънавий озуқа олиши учун институт Аxbорот-ресурс марказида Муҳаммад Юсуф асарлари жойлашган алоҳида бўлим фаолият бошлади. “ЎзДСМИ хабарлари” илмий-назарий, амалий-услубий, маънавий-маърифий журналнинг келгуси сонини айнан Муҳаммад Юсуфнинг ибратли ҳаёти ва ижодига бағишлаб нашр этишга тайёргарлик жараёни давом этмоқда.

Институтда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад Юсуф кўкрак нишони ва унинг номидаги махсус стипендия жорий қилинди.

Жорий йилнинг 15 октябрь сана-сида республика ижодкор ёшлари иштирокида “Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Муҳаммад Юсуф ижодининг ўрни” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси, 2021 йил апрель ойида Муҳаммад Юсуфнинг таваллуд кунини муносабати билан унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган “Муҳаммад Юсуф — Ватан ва муҳаббат куйчиси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясини ўтказиш белгиланган. Туркия давлатининг нуфузли “Қардош адабиётлар” журналнинг бир сонини шоир хотирасига бағишлаб чоп этиш режалаштирилган. Шунингдек, институтда талаба ёшларнинг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари мавзуларининг Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди билан боғлаб ўрганилиши, “Муҳаммад Юсуф — Ватан куйчиси” номли қисқа метражли фильм яратиш, шоир ижодидан иборат шеърлардан мушоира кечалари ўтказиш, шоир шеърлари билан ижро этиладиган қўшиқлар танловини ўтказиш борасида ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

“Мен Бердақнинг соф қонидан томчиман...”



Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё технологиялари
институти ректору:

— Қорақалпоқ адабиёти мақоми-ни юксалтириб турган Қунҳўжа, Ажиниёз, Бердақ, Тўлелберген Қайипбергенов каби улўғ адиблар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов муносиб ўрин тутати. Мамлакатимиз ташқарисиди, хусусан, қардош туркий халқлар адабиёт оламида ҳам

анчагина таниқли бўлган шоир шеърларининг бирида “Мен Бердақнинг соф қонидан томчиман...”, дейди камтарлик билан.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, давлат ва жамият арбоби Ибройим Юсупов ўзининг Ватанга бўлган кечисиз муҳаббатини бир умрга шеър-иятга муҳаббат кетди. Адиблар хиёбониди мунтазам ташкил этилаётган маърифий тадбирларимизга Ибройим Юсупов ижодини ўрганган, уларнинг асарларини таржима қилган олимларни тақдир қилишимиз. Талабалар ўртасида давра суҳбатлари, турли танловлар, викториналар, шоир шеърлари бўйича мушоиралар ўтказилмоқда. Хусусан, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти, Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда “Ибройим Юсупов адабий-маънавий меросини ўрганамиз” мавзусида онлайн давра суҳбати ташкил этилди.

Июнь-август ойлари давомида “Ижодкор ёниб яшаши керак” мавзусида иншолар танлови ўтказилди. Танловга 35 га яқин ижодий иш келиб тушди. Ҳолилар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан аниқланиб, ижодий ишлар матбуотда эълон қилинди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ташкил этилган “Энг яхши видеороликлар” танлови

ҳам катта муваффақият билан ўтказилди. Адиб ижодига бағишланган махсус веб-сайт ва институтнинг расмий сайтида шоир ижодида бағишланган бўлим ташкил этишни ҳам режалаштирганимиз. Аxbорот-ресурс марказимизда эса шоирнинг таржима қилинган китоблари кўргазмаси намойиш қилинди. Тез орада “Ибройим Юсупов хонаси” ҳам ташкил этилади. Шунингдек, ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун Ибройим Юсупов номидаги махсус стипендия, кўкрак нишони таъсис этилди. Ҳозирги кунда махсус стипендия ва кўкрак нишони соҳибларини саралаш ишлари давом этмоқда.

20-25 сентябрь кунлари Ибройим Юсупов ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида “Аждодларни хотирлаш бурчимиздир” шиори остида Қорақалпоғистонга экспедиция уюштиришни режалаштирилмоқда. Мазкур экспедиция давомида шоир таҳсил олган мактаб, институт билан танишиш, ижод мактабига, адиб фаолият юритган “Амударё”, “Эркин Қорақалпоғистон” журналлари таҳририятига, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасига, Нажим Давқораев номидаги тил ва адабиёт институтига ҳамда адиб туғилиб ўсган Чимбой тумани Азот овулига таширлар режалаштирилган.

Мушоҳада

ЎЗБЕКИСТОН — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БЎСАҒАСИДА



Мансур БЕКМУРОДОВ,
социология фанлари
доктори, профессор

Бошланиш 1-бетда

Хар қандай цивилизация, Ренессанс ҳолатлари буюк шахслар омилсиз юзага келмаган. Биринчи Мовароуннахр Ренессансида Маъмун, иккинчи Ренессанс тарихида Амир Темури шахси ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлса, халқимиз тақдирида бошланган учинчи Ренессансга Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида пойдевор қўйилди.

Ренессанснинг ҳаракатлантирувчи кучи

Ватанимизда кечган буюк цивилизациялар халқимиз миллий характеридаги бош хусусиятлар — яқдиллик, ҳамжихатлик ва ҳамкорликдан куч олган. Ана шу ўзақ фазилатларимиз эса ички ва ташқи хавфларни даф этиш, биқикликдан ҳамкорлик ва интеграцияга, илм ва маърифатга эришишнинг асоси ҳисобланган мустаҳкам бирлашишга бўлган интилишни кучайтирган. Президентимиз учинчи Ренессансга эришиш учун имкониятларимиз етарлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, “олдимизга қўйган улғу мақсадларга эришиш учун барчамиз бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилишимиз керак”лигига алоҳида урғу берди. Бирлашиш даражаси қанча юқори бўлса, юз берган вазиятларда мақбул ечимларга келиш имконияти ҳам катта бўлади.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимизда кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда аниқ тартибот ва тизим бўлишини ва ҳар бир иш илм-фан ютуқларига асосланмоғини, миллий тараққиётимизни инновацион технологиялар, рақамли билимлар ва рақамли иқтисодиётга таянган ҳолда жадал юксалтиришнинг энг мақбул йўлларини кўрсатиб берди.



Чўкиш эмас, юксалишга эришилди

Пандемия сабабли миллатимиз бошига тушган ва тарихимизнинг бугунги оғир дамларида давлатимиз раҳбари тadbиркорлики ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, одамларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондиришни асосий вазифа қилиб белгилади. Бунинг учун эса уч муҳим босқичда ҳаракат қилиш керак эди:

Биринчидан, моддий таъминотнинг негизи бўлган қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш, режаларни бажариш, ҳосилни сақлаш ва истеъмолчиларга бетавафот етказиш тизимидаги барқарор маромни таъминлаш; иккинчидан, саноат ишлаб чиқаришида мамлакатимиз тақдири учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ўрта ва гигант индустриал корхоналар фаолиятини тўхтатмай ишлашига эришиш;

учинчидан, одамларнинг умумий хавфга қарши ягона мақсад атрофида мустаҳкам бирлашишига эришиш.

Ана шу уч омилни оғишмай ҳаётга жорий этишда жуда катта ирода, шижоат ҳамда ақл ва амал шиддати зарур эди. Мана шу шижоат ва шиддат, оқилона изчилликнинг сербаракот маҳсулидан халқимиз баҳраманд бўлди.

Жаҳонда инқироз чуқурлашиб бораётганига қарамай, мамлакатимиз молиявий жиҳатдан кучайди. Олтин-валюта жамғармамиз 5,5 миллиард долларга кўпайди. Миллий маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиш ҳажми ошиб, режага мувофиқ 9 миллиард доллардан иборат бўлди. 2020 йилнинг ўзида 11 миллиард долларлик инвестиция киритилиб, юзлаб янги саноат корхоналарини ишга тушириш устида жадал иш олиб боришмоқда.

Хар қандай тараққиёт даставвал саноат ва энергетика пойдеворини мустаҳкам барпо этишдан бошланади. Бу пойдевор эса саноатнинг барча жабҳалари ривожини таъминловчи металлургия ва нефть-газ соҳалари ҳисобланади. Шу икки жабҳа ривож топмас экан, бошқа соҳаларнинг кучи билан мамлакатни тизимли ва барқарор тараққиётга эриштириш амримаҳолдир. Янги Ўзбекистон ўзининг янги тараққиёт йўлида айнан саноатнинг пойдевор соҳаларини жадал ривожлантиришга киришгани ҳам бежиз эмас.

Ана шундай кенг қўламли, чуқур ўйланган сиёсат туфайли Ўзбекистон иқтисодий, интеллектуал, технологик ва индустриал соҳаларда сезиларли ўсишга эришган давлатлар сафига қира олди. Йил мобайнида пандемия сабабли солиқлар ундирилишининг кечиктирилиши, турли тўловлар, жарималар ва йиғимларнинг қамайтирилиши, табиий ва техноген офатлар юз берганига қарамай, Ўзбекистонда давлат бюджетининг барқарорлиги таъминланди, ойлик, нафақа ва стипендиялар оширилди. Миллионлаб фуқароларга моддий ва молиявий кўмак берилди. Мамлакатимизда давлат ва халқ яқдиллиги, мақсадлар муштараклиги, меҳр ва оқибат муҳити мустаҳкамланди.

Меҳр-эътиборга муҳтож инсон бўлмайди

Президентимиз давлатимиз мустақиллигининг бош мақсади ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига муносиб



Ханим ЮЛДОШЕВ олган суратлар.

эҳтиром кўрсатиш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш эканини таъкидлади. Бутун халқимиз ана шу эътиборни ўз ҳаётида узлуksиз ҳис этмоқда. Ўзбекистонда ҳеч кимни ўз ҳолига, муаммолари домига ташлаб қўймаслик сиёсати юргизила бошланди.

Узоқ йиллар давомида уй-жойли бўлишни орзу қилиб келган ногирон шахслар, қийналиб фарзанд тарбиялаётган елғиз аёллар, кам таъминланган оилалар ўзларининг кичик ватанларига, яъни алоҳида уй-жойларига эга бўлди.

Мустақиллик байрамининг 29 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз “**Ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: қанчалик қийин бўлмасин, қанча маблаг ва имконият талаб қилинмасин, Ўзбекистоннинг биронта фуқароси ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди**”, деб алоҳида таъкидлагани барчамизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Ўзбекистон фуқароси деган мақом юксалди, бу мақом эгаси ҳимоя қилинадиган, унга алоҳида ғамхўрлик ва меҳр кўрсатиладиган бўлди. Барча фуқароларнинг ҳаёти, имкониятлари, оилавий ҳолати чуқур ўрганилиб, ҳокимлар, сектор раҳбарлари, турли давлат идоралари масъуллари, жойлардаги бадавлат шахслар, ҳомийларга бириктирилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Одамлар янги Ўзбекистонда давлатнинг меҳрини, оталарча ғамхўрлигини юракдан ҳис этди.

“

Хар бир фуқаро янги Ўзбекистоннинг нечоғлиқ катта салоҳият, табиий, технологик ресурслар ва инсон капитални ривожлантириш билан боғлиқ катта имкониятларга эга эканини теран англаши ва бу бой захиранинг самарали ва жадал ишга тушириш ватанимиз тараққиёти учун катта тарихий аҳамият касб этишини билиши, бу имкониятларни англаш ва ишга тушириш мамлакатимизда мисли кўрилмаган “катта сакраш” ҳолатини юзага келтириши борасида аниқ ишонч ва реал тасаввурларга эга бўлиши зарур.

Камбағаллик хислат ҳам, қисмат ҳам эмас

Мовароуннахр халқи азалдан меҳнаткашлиги, тadbиркорлиги, бугунини бутлаб, эртасини пухта ўйлаб иш тутиб юришни ўзининг ҳаёт тарзига айлантирган халқдир. Шу боис ҳам миллий анъаналар, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз халқимизнинг бағрикенг, миллий имижини, яъни ўз ҳаловатининг ташвишини қилишдан кўра, бошқаларнинг дardига ҳамдard бўлиб, уларнинг ғамини ўйлаб яшашини кўпроқ ифода этиб келган. Фақат бугунги ҳаётдан мамнун, турмуши, касби, келажакдан кўнгли хотиржам инсонларгина бошқаларни ҳам ўйлаб яшайди.

Ўзбек халқи неча минг йиллик тарихи мобайнида ўзининг ҳалол меҳнатидан барака топиб, турмуши фаровон бўлиб келган. Шу боис, ўзбек халқи характерида саховат, танглик, қийналганларни суяш, ҳамкорлик, елкадошлик устувор саналган.

Президентимиз ҳамма нарсани ўз номи билан атаб иш туттиш сиёсатига таянди ва бу масалани таг-туғи билан ҳал этишга киришди. Камбағалликка қарши курашувчи махсус вазирлик ташкил этилди. Камбағалликни қисқартиришнинг режаси, дастури ва “йўл харитаси” тузилди. Бу масаланинг ечимини барча бўғиндаги давлат идоралари, ҳокимликлар, секторлар раҳбарлари иш услуби ва фаолият самардорлигининг асосий мезонига айлантирилди.

Камбағаллик масаласига ақл билан ёндашув, одамларнинг қийин ҳолатга тушиб қолиши сабабларини ўрганиб, бамаслаҳат ҳамда тизимли ишлаш муаммога мақбул ечимлар топишга кенг йўл очди. Ҳозирги пайтда камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини берапти.

Ишсиз фуқароларнинг муайян касб-хунарларни пухта ўзлаштиригандан сўнг касбий фаолият билан шуғулланишига ёрдамлашиш, ғалладан бўшаган ерларни одамларга адолатли бўлиб бериш орқали уларнинг мустақил равишдаги деҳқончилик қилиб турмушини фаровон қилишга шароит яратиш каби тadbирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, иссиқхона қуриш, ундан даромад олиш сирларини миникластер



“

Мовароуннахр халқи азалдан меҳнаткашлиги, тadbиркорлиги, бугунини бутлаб, эртасини пухта ўйлаб иш тутиб юришни ўзининг ҳаёт тарзига айлантирган халқдир. Шу боис ҳам миллий анъаналар, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз халқимизнинг бағрикенг, миллий имижини, яъни ўз ҳаловатининг ташвишини қилишдан кўра бошқаларнинг dardига ҳамдard бўлиб, уларнинг ғамини ўйлаб яшашини кўпроқ ифода этиб келган. Фақат бугунги ҳаётдан мамнун, турмуши, касби, келажакдан кўнгли хотиржам инсонларгина бошқаларни ҳам ўйлаб яшайди.

усулида ўргатиш, иссиқхона юритиш бўйича ихтисослашган маҳаллаларни ташкил этиш, ҳар бир қишлоқ хонадонда уй эгаларининг хоҳишига кўра, камда 50 тадан товуқ, сигир, эчки, қуён ва бошқа жонлиқ боқилишига, балиқчилик, асаларичилик, уруғчилик, ниҳолчилик ва бошқа турдаги тadbиркорлик



фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашиш ҳам давлатимиз эътибор марказида бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсондаги рўёбга кичтирган имконият ва истеъдод амалиётга жорий этила бошлади. Камбағалликка қарши кураш қўлами нафақат давлат даражасида, балки жамият ва алоҳида одамлар даражасига кўчиб, ҳал бўлмоқда.

Ренессанс даври фуқароси қандай бўлади?

Ренессанс даврига кирган мамлакатимиз фуқаролари зиммасига улғувор вазифалар ижросини таъминлашда катта масъулият юкланади. Энг аввало, ҳар бир инсон янги Ўзбекистон фуқароси деган юксак мақомни англаб етиши ва унга муносиб бўлишга онгли равишда интилиши лозим. Зеро, мамлакатимизда юксак суръатларда амалга оширилаётган ислохот, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳамда уларнинг амалдаги рўёби жараёнида

бевосита иштирок этиш ҳам одамни беихтиёр янгича яшаш тарзига ўтишга ундайди. Ватанимизда рўй бераётган барча янгиланишлар, қурилаётган иншоотлар, минглаб янги корхоналар, аҳолига кўрсатилаётган енгилликлар, барча нарсаларнинг ўз номи билан аталиши одамларнинг ҳаётга муносабати ва турмуш тарзининг тубдан ўзгаришига олиб келади. Айниқса, жаҳон халқларини қийин аҳволга солган коронавирус даврида, давлатнинг меҳри, ғамхўрлигини кўрган халқимизнинг руҳияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати тубдан ўзгармоқда.

Ренессанс даврига кирган Ўзбекистон фуқароси барча ҳолат ва жараёнлардан, сиёсат ва иқтисодиёт, маданият ва маиший турмуш ўзгаришларидан огоҳ бўлиши, бунинг учун эса ўзини ўзи узлуksиз ривожлантириб бориши, виртуал ва одатий ҳаёт янгилликларидан бохабар бўлиши, китобхонлик, мутолаа билан машғуллик ҳар бир инсоннинг кундалик қўнимасига айланиши зарур.

Хар бир ўзбекистонлик ўз тарихи, маданияти, давлатнинг сиёсати, она тилини пухта билиши ва севиши, бу қадриятларнинг жамият, давлат ва ҳар бир инсон ҳаётида доимий ва барқарор амал қилиши учун курашчан фуқаро сифатида шаклланиши керак.

Ренессанс даври фуқароси яқинларига муҳаббатли, меҳрли, дарду ташвишларига ҳамдard, ўзаро кўмакка ҳамisha шай, елкадош ва бошқаларнинг манфаатларини ўзиники билан тенг кўра олиш фазилатига эга бўлиши шарт.

Янги Ўзбекистонда истикомат қилувчи инсонда тadbиркорлик руҳи шаклланиши ва юксак даражада ривожла-

ниши, Ренессанс даври одами эса ўз оёғида ҳамisha барқарор тура олиши ва доимий ривожланувчанлик туйғусига эга бўлиши лозим.

Хар бир фуқаро янги Ўзбекистоннинг нечоғлиқ катта салоҳият, табиий, технологик ресурслар ва инсон капитални ривожлантириш билан боғлиқ катта имкониятларга эга эканини теран англаши ва бу бой захиранинг самарали ва жадал ишга тушириш ватанимиз тараққиёти учун катта тарихий аҳамият касб этишини билиши, бу имкониятларни англаш ва ишга тушириш мамлакатимизда мисли кўрилмаган “**катта сакраш**” ҳолатини юзага келтириши борасида аниқ ишонч ва реал тасаввурларга эга бўлиши зарур.

Президентимиз янги Ренессанснинг асосий пойдевори сифатида таълим тизимини янги поғонага чиқариш заруратини алоҳида таъкидлади. Зеро, таълим барча соҳаларнинг ҳам таркибан, ҳам сифат жиҳатидан тубдан ислоҳ бўлишига имкон яратади. Шу боис ҳам таълим соҳасини юксалтириш бугун барчамиз учун ялпи ижтимоий ҳаракатга айланимоз лозим.

Тараққиёт мезонлари

Тошкент металлургия заводи:

ОҒИР САНОАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕГА ЛОЙИҲАСИ

Дастлабки босқичда корхонада 500 та янги иш ўрни яратилишига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш занжирининг бошқа йўналишларида яна 2600 га яқин кишининг банд бўлишига имконият яратади

Улуғбек РАҲМОНҚУЛОВ,
журналист

Металлургия ҳар қандай мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига салмоқли ҳисса қўшувчи локомотив тармоқ ҳисобланади. Экспертлар ҳулосасига кўра, пўлат индустриясидаги 1 долларлик маҳсулот 2,5 долларга тенг қўшимча қиймат яратади. Шу сабабли бутун дунёда бу турдаги маҳсулотга бўлган талаб катта. 2019 йилда жаҳон металлургия саноатида 1 миллион 869 минг тонна пўлат ишлаб чиқарилди. Ҳар йили пўлат ишлаб чиқариш қувватлари 3 фоиз, маҳсулот ҳажми ўртача 5 фоиз ортиб борапти.

2019 йилда Ўзбекистонда қурилиш ҳажми 19 фоиз ўсди. Электротехника саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичида эса ўсиш суръати 130 фоизга тенг бўлди. Табиийки, ушбу тармоқларда хомашёга, аниқроқ айтганда, прокат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ўсмоқда.

Талабни қоплаш учун 2016 йилда 175 миллион долларга тенг совуқ босимли прокат импорт қилинган бўлса, 2018 йилда 390, 2019 йилда 421 миллион долларлик худди шундай маҳсулот хориждан келтирилган. Янги металлургия қувватини ишга тушириш

бўйича эксклюзив ва мега лойиҳа ҳисобланган Тошкент металлургия заводи шу жиҳатдан Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўта муҳимдир. Яъни Тошкент вилоятининг Зангиота туманида қад кўтарган гигант корхона жаҳон бўйича совуқ ҳолатда прокатланган металл ишлаб чиқарувчи энг замонавий мажмуалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеи янада мустаҳкамланади

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 апрелдаги “Тошкент металлургия заводини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакат металлургия саноатида ҳақиқатда эксклюзив ҳисобланган мазкур лойиҳага старт берилди.

2018 йилнинг 29 мартда Президентимизнинг “Тошкент металлургия заводини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга оширишни давом эттиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари бу йирик лойиҳанинг юртимиз иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутганини инобатга олиб, Тошкент металлургия заводи қурилиши жараёни билан 2017 йилнинг февралда ва 2018 йилнинг август ойида бориб танишди.

Зеро, қурилиш индустрияси, машинасозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларини юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи металл прокат маҳсулотлари билан таъминловчи ушбу завод Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридagi мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Умумий қиймати 326,7 миллион евро бўлган мазкур стратегик аҳамиятга эга завод металлургия соҳасида етакчи лойиҳалаш-қурилиш ташкилоти ҳисобланган Россиянинг “МетПром” компаниялар гуруҳи томонидан қурилмоқда.

Эътиборли жиҳати, лойиҳа қийматининг учдан бир қисми, яъни 236 миллион евро миқдоридagi маблағ хориж инвестициясидир.

Мазкур корхона қуруқ ернинг ўзиди, ҳеч қандай тайёр инфратузилма бўлмаган жойда қад ростлади.

— Уч йил илгари “МетПром” компаниялар гуруҳи Ўзбекистонга келганида мана шу жойнинг ўрни очик майдон эди, — дейди “МетПромпроект” компанияси техник директори Андрей Ходько. — Мана, кўриб турибсиз, худудда замонавий технологияларга эга

мегазавод қурилди. Бундай маҳсулотлар Ўзбекистонда илк бора ишлаб чиқарилади ва у мамлакатнингиз бозори учун муҳим саналади.

Айни пайтда агрегатларнинг ёрдамчи тизимларини монтаж қилиш ва ишга тушириш ишларини бажаряпмиз. Буларга кислота регенерацияси ускуналари, азот станцияси, водород станцияси, сувни тайёрлаш станцияси, тозалаш иншоотлари кабилар қиради. Ҳозир кимёвий усулда ишлов бериш агрегатини ишга тушириш босқичида, 98 фоиз монтаж ишлари амалга оширилган.

Ҳа, шу кеча-кундузда Тошкент металлургия заводида қурилиш ишлари ҳал қилувчи босқичга кирган: асосий агрегатлар ва ёрдамчи технологияларни ишга тушириш ишлари бошлаб юборилган.

— Тошкент металлургия заводи энг замонавий корхоналар сирасига қиради, — дейди Тошкент металлургия заводининг сифат бўйича директори Бекали Тўрабеков. — Корхонамизда юқори сифатли руҳланган ва полимер қопламали прокатлар ишлаб чиқарилади. Бу жараёнлар тўртта агрегатда амалга оширилади. Дастлабкиси кимёвий усулда ишлов бериш агрегати бўлиб, унда металл тозаланади. Иккинчи босқич совуқ усулда ёйиш ҳисобланади. Унда металлнинг зарур қалинлиги таъминланади, у 0,3 миллиметрдан 1,2 миллиметр гачани ташкил қилади. Учинчи босқичда совуқ усулда тайёрланган прокат икки томонлама руҳланади. Ниҳоят, тўртинчи босқичда полимер қопламали агрегат қўлланилади. Унда руҳланган лист устига полимер қопламаси сурилади. Махсулотимиз энг замонавий талабларга жавоб беради, яъни биз барча хорижий ва маҳаллий стандартларга риоя қилган ҳолда саноатнинг янги йўналишини ташкил қиламиз.

Корхонанинг ташриф қоғози

Заводнинг ўзига хос ташриф қоғози бу, албатта, замонавий ва юқори русумдаги технологиялардир. Ушбу мега лойиҳа учун дунёнинг 27 мамлакатидан сўнгги моделдаги жиҳозлар олиб келинган. Жумладан, асосий агрегатлар жаҳоннинг етакчи “Danieli” концерни томонидан етказиб берилган.

— Корхонани керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминладик, — дейди Италиянинг “Danieli” компанияси менежери Марко Саббадини. — Яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари учун ускуналарни ўрнатдик. Маҳаллий мутахассислар учун ушбу техника ҳали нотаниш бўлиши мумкин. Лекин улардаги интилиш ва изланишни кўриб жуда хурсанд бўлдик. Айнан шунинг учун улар қисқа фурсатда мазкур ускуналардан фойдаланишни ўрганиб олмоқда.

Ушбу корхонанинг келажакда ўз йўналишида етакчилардан бири бўлишига ишонаман.

Бу нафақат ўрнатилган сўнгги русумдаги ускуналар билан боғлиқ. Энг аввало, Тошкент металлургия заводи давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Қолаверса, кадрлар салоҳиятини ҳам кўрпямиз. Улар Ўзбекистон ва хориж давлатларида ўз йўналишлари бўйича ўқиб, малакаларини мунтазам ошириб келмоқда.

Мазкур гигант лойиҳага нисбатан “стратегик” дея таъриф берилаётгани бежиз эмас. 500 минг тонна металл маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиш индустрияси, машинасозлик ва электротехника саноати учун муҳим хомашё — юқори сифатли совуқ ҳолатдаги прокат етказиб беришчи Ўзбекистондаги дастлабки корхонага айланади. Бу, биринчи навбатда, металлургия маҳсулотига бўлган импорт ҳажмининг сезиларли даражада камайтиради ва иқтисодиётнинг саноатлашувини тезлаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди.



Маҳаллийлаштириш ва бошқа муҳим имкониятлар

Тошкент металлургия заводининг саноатнинг бошқа тармоқларида маҳаллийлаштириш даражасига таъсирини “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси корхоналари мисолида оладиган бўлсак, 2019 йилда уюшмага аъзо субъектлар томонидан қарийб 32 миллион долларлик металл хомашёси импорти амалга оширилган.

Янги корхона ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ўртасида имзоланган меморандумга кўра, кооперация асосида тармоқ корхоналарига 39,2 миллион долларлик металл прокати етказиб берилди. Умуман олганда, дастлабки босқичда заводда ишлаб чиқарилган металл маҳсулотлари

165 миллион евро ҳажмидаги импортнинг қисқаришини таъминлайди. — Экологик хавфсизлиқни таъминлаш масаласида ҳам юқори технологиялардан фойдаланилган, — дея ўз фикрини давом эттирди Бекали Тўрабеков. — Биринчидан, янги заводда печлардан фойдаланилмаслиги боис, чанг ва газ чиқиндилари миқдори сезиларли даражада пасаяди. Барча ишлаб чиқариш жараёнлари ёлпқ циклда амалга оширилади. Шу асосда бу ерда деярли чиқиндилар ҳосил бўлмайди. Турғирроғи, атроф-муҳитни заҳарлайдиган моддаларни деярли чиқармайди. Замонавий қурилмалар заҳарли

газларни ўзида ушлаб қолади, қолаверса, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган сув махсус филтрлар орқали тозаланиб, технологик жараёнга қайтарилади, бу жараён жуну кун ишлаб туради.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, пўлатни қайта ишлаш соҳасидаги ҳар 2 иш ўрни ушбу маҳсулотдан фойдаланувчи бутун занжирда яна 13 та янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради. Тошкент металлургия заводида дастлабки босқичда 500 та янги иш ўрни яратилгани занжирнинг бошқа йўналишларида яна 2600 га яқин иш ўрни пайдо бўлишидан далолат беради.

Шу ўринда Тошкент металлургия заводининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари прогностига ҳам эътибор қаратсак. Режага кўра, дастлабки босқичда корхонанинг бир йиллик даромади 498 миллион евроини ташкил этиши кутилмоқда. Бюджет тушумлари 20 миллион еврога тенг бўлади.

Биринчи босқичда корхонанинг қуввати 500 минг тоннани ташкил этади. Келгусида совуқ усулда тайёрланган прокат маҳсулотлари тайёрлашни 750 минг тоннагача ошириш мўлжалланаяпти. Бу, ўз навбатида, нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам сифатли металл билан таъминлаш учун имконият яратади.

Халқ қабулхоналари

Одамларнинг муаммолари ўз вақтида ҳал этилмоқда

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш учун, аввало, халқ билан очик мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу умидлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш лозим.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ташкил этилиши бу хайрли ишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир Халқ қабулхоналарида жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш борасида қўллаб-қўйишларни амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Халқ қабулхонасида жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларини қабул қилиш, улардаги муаммо ҳамда тақлифларини ҳал этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борада Президентимиз томонидан имзоланган бир қатор ҳужжатлар, хусусан, 2019 йил 17 январдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фармон асосида туман Халқ қабулхонаси бошчилигидаги секторлар штаблари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ худудлардаги маҳалла ва хонадонлар, оилаларда бўлиб, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифаларни бажариб келяпти.

Халқ қабулхонаси билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ўрнатилган доимий мулоқот худуддаги мавжуд реал ҳолатни мунтазам мониторинг қилиб бориш, муурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш имконини бермоқда. Уйдан чиқмаган ҳолда телефон сўзлашуви орқали ёки қабулхонага келган муурожаатчилар билан видеоконференцалоқа тизими воситасида мулоқот қилиш, қабулхона олдиди муурожаатни қолдириш учун махсус қутилар ўрнатилгани фуқароларга қулай имконият бўлди.

Пандемия шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни боқувчисини йўқотганлар, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор шахслар, доимий иш билан банд бўлмаган кишиларга тиббий-ижтимоий, моддий ёрдам кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари бўйича келиб тушаётган муурожаатларга биринчи навбатда эътибор қаратилмоқда. Шу боис, бундай муурожаатларни қисқа фурсатда мутасадди ташкилотлар иштирокида ҳал этиш чоралари қўрилмаяпти. Шунингдек, қўллаб-қувватлаб юрдошларимиз ва тадбиркорларимизнинг ҳомийлик ёрдамлари борасидаги тақлифлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Хайрияларни мувофиқлаштириш марказининг худудий бўлимларида йўналтирилмоқда.

— Туман Халқ қабулхонасида 2020 йилнинг 1 сентябрга қадар жами 264 та фуқаро 265 та масала юзасидан муурожаат қилган, — дейди туман Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси Бахтиёр Миробидов. — Уларнинг 243 таси ёзма ва 22 таси оғзаки муурожаатдир. Ушбу муурожаатларнинг 191 таси худудий ташкилотларга, 52 таси эса юқори ташкилотларга юборилди, 22 та муурожаат туман Халқ қабулхонаси томонидан кўриб чиқилди. Барча муурожаатларнинг 215 таси, яъни 94,71 фоизи ижобий ҳал этилди, 12 та муурожаат бўйича тушунтириш берилди.

Масалан, туманнинг “Янги Камолон” МФЙ худудидида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Ҳожимурод Раҳмонов соғлиғи ёмонлашгани сабабли юришга қийналаётганини билдириб, қўлтиқтаёқ олиб беришда амалий ёрдам сўраган. Ушбу муурожаат маъсул ҳодимлар томонидан тезкорлик билан ўрганиб чиқилди ва туман тиббиёт бирлашмаси томонидан унга қўлтиқтаёқ олиб берилди. Шунингдек, “Кукча Дарвоза” МФЙ худудидида яшовчи туғма 1-гуруҳ ногирони Акбар Абдураҳмоновнинг онаси Барно Акбарова ўғли ҳаракатланиши учун қийналаётганини, шу боис, ногиронлар аравачаси ажратилган амалий ёрдам кўрсатишини сўраган. Ариза ўрганилиб, фуқарога ногиронлик аравачаси ажратилди. Барно Акбарова карантин шароитида кўрсатилган бу хайрли ёрдам учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, “Белтепа” МФЙда яшовчи Нодира Умарова қабулхонага вояга етмаган уч фарзанди борлигини билдириб, карантин сабабли вақтинча ишсиз бўлиб қолгани учун моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари сўраб муурожаат қилган. Албатта, бу муурожаат ҳам тезда рўйхатга олинди, фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди, уйига озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Аҳоли муаммолари билан ишлашда ёшлар муурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муурожаатлар таҳлил қилинганда, ақсарият ёшларимизни бандлик, ўқимаш қириш, ўқишни кўчириш, қайта тиклаш, ер майдони ажратилиш, кредит олиш каби масалалар йўналтираётгани маълум бўлмоқда.

— Ёшлар муурожаатлари асосида Халқ қабулхонаси, секторлар, ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида туманда яшовчи 414 нафар ёш йигит-қизнинг бандлиги таъминланди, — дейди Бахтиёр Миробидов. — Мисол учун, Шайхонтоҳур туманининг “Каттаҳовуз” МФЙ худудидида жойлашган “CIEAN ICE” МЧЖ корхонаси тиббий буюмлар ишлаб чиқаради. Қўшимча иш ўринлари яратиши учун ушбу МЧЖга “Агробанк” томонидан имтиёзли кредит ажратилди. Натижада муурожаат қилувчи ёшларнинг 16 нафари шу корхонага ишга жойлашди.

Шунингдек, туман Халқ қабулхонаси ва туман секторлари раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлиги натижада карантин даврида 17 нафар йигит-қиз волонтер сифатида дезинфекция ишларига жалб этилди. Тумандаги МФЙлардан ишга қабул қилинган ёшлар, асосан, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий объектларни дезинфекция қилиш билан шуғулланмоқда. Уларга ойлик иш ҳақлари ўз вақтида берилиши туман Халқ қабулхонаси ва сектор раҳбарлари томонидан мунтазам назоратга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Халқ қабулхоналари институти бугун аниқ йўналиш асосида ишламоқда. Гарчи синовли кунларда юзма-юз мулоқотлар вақтинча чекланган бўлса-да, халқ билан виртуал мулоқот давом этмоқда. Ҳар бир худуддаги реал вазият, аҳоли муаммолари зудлик билан ҳал қилиш чоралари қўриляпти. Асосий мақсад ҳар қандай шароитда ҳам халқимизни ўз ҳаётидан рози қилишдир.



Шукроналик



Халқимизга хос фазилат — меҳр-оқибатнинг қиёси йўқ

Ёшлигимдан меҳнат қадрини, унинг лаззатини англаб ўсганман. Мактаб кезларидаёқ ҳунар ўргандим. Косиблик, новвойлик, қассоблик қилдим. Ниҳоят, дурадгорга шогирд тушдим. Ахир, “Бир йигитга қирқ ҳунар ҳам оз”, дейди доно халқимиз.

Ўқишни тамомлаб, мебель цехи очдим. Стол, стул, ошхона гарнитуралари ясай бошладим. Даромадим эвазига Андижон шаҳридаги “Жаҳон бозори”дан дўкон олдим. Ойлали бўлдим. Ҳаммаси яхши кечаётган эди. Тўқлиққа шўхлик қилиб кўйганимни сезмай қолдим.

2013 йилда “Одноклассники” ижтимоий тармоғи орқали ноқонуний сайтларга кириб, экстремистик мавзудаги ман этилган видеороликларни кўришга берилиб кетдим. Шу тариқа ноқобил инсонлар таъсирига тушиб қолганимни билмай ҳам қолдим. Натижада... Тўқиз йилга озодликдан маҳрум этилдим. Нима топдим-у, нима йўқотдим? Бу ҳақда обдон ўйлашга етарлича фурсатим бўлди.

Ҳазони ўташ муассасасида кутубхона очилгач, ишдан бўш вақтларимда таниқли адибларимиз Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов асарларини ўқидим, газета ва журналларни варақладим. Ҳаётимга ўзгача кўз билан қарай бошладим. Маънавиятга эътибор берилаётганида катта маъно борлигини англадим, чуқки ўқимишли инсон зарарли ғояларга, сароб мақсадларга эргашмайди. Буни англадим.

Ўқиганим сари қилганларимга пушаймонлигим ортаверди. Ўйда эса онаизорим, икки ўғлим ва бир қизим, турмуш ўртоғим қолган эди. Волидамнинг кўнглини ололмаганим, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш ўрнига қилган ноҳўя ҳаракатим учун жавоб бераётганим мени қаттиқ азобларди. Опапарим ва синглим турмуш қуриб, алоҳида яшар эдилар. Улар онамиздан хабар олсаларда, рафиқам хизматида бўлса-да, фарзандлик бурчимни адо этолмаганимни ўша жойларда ўзгача ҳис қилиб яшадим. Унинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмаслигидан ўқиндим. Бу — йўқотганларим эди.

Топганларим — цемент, оҳак заводида ишлаш, кунлик тозалов-ободонлаштиришга чиқиш бўлди. Шу арзимаган юмуш билан Ватаним, яқинларим — халқим олдидаги айбимни юваётган бўлсам ҳам, бу таскин етарли эмасди. Етти йиллик умрим шу тарзда кечди. Қачонлардир озодликка чиқсам, астойдил ўнглинишга, фарзандларим, оилам, маҳаллам, Ватаним олдидаги айбларимни ювишга аҳд қилдим.

Кунларнинг бирида қай бир объектда ишлаётган эдим, тўсатдан: “Ирматов! Сен афв этилдинг. Ўйга қайтасан, нарсаларингни йиғиштир”, деган

буйруқ беришди. Хурсандлигимдан эсанкираб қолдим. Бу Президентимизнинг мен қабилаарга қилган бениҳоя ғамхўрлиги эди.

Ўйга кириб келганимдаги қувончни таърифлаш қийин. Худого шукр, соғ-омон қайтдим. Андижон шаҳри ҳокими, сектор раҳбарлари ташрифи эса мен учун мутлақо қутулмаган ҳодиса бўлди. Кейин билсам, бу халқимизга хос оқибат, меҳрнинг бошланиши экан.

Барча муаммоларимни ҳал этишди. Бир ҳафта ўтмай, вилоят ҳокими биз билан учрашди. Тадбиркорлик қилиш ниятим борлигини, бунинг учун айланма маблағ зарурлигини айтганимда кредит ажратилишини маълум қилди. Икки кунда “Микрокредитбанк”дан 30 миллион сўм сармоя берилди. Ҳозир қандолат маҳсулотлари сотувини йўлга қўйдим.

Шаҳримиздаги улкан ўзгаришлар, одамларимиздаги интилиш, яратувчанлиқни кўриб, беҳад қувондим. Ҳамма изланиш, ҳаракатда экан. Янгиланаётган Ўзбекистонимиз бир йилда уч-тўрт йилни босиб ўтаётгандек туюлди менга.

Дилимга бир нарсани тугиб қўйдим. У ҳам бўлса — фарзандларимни ўқитиш, олий маълумотли мутахассис қилиб, эл-юртга қўйиш. Қамалганимда тўнгич ўғлим 14 ёшда эди. Ойла таъшишларини кутариш унинг гарданига тушди. Иккинчи ўғлим ҳозир тўққиз ёшда. Насиб этса, тиббиёт соҳасида илм олади. Бунга барча шароит яратишга интиламан.

Шуни алоҳида айтмоқчиманки, оила даврасида, яқинларингиз билан бир бурда бўлса-да, ҳалол топилган нонни хотиржамликда ейиш, бир қўлпут сув ичиш нақадар катта бахт, буюк неъмат экан.

Ёшларга эса интернетдан фақат илм олиш, фойдалани маълумотлар излашни маслаҳат бераман. Интернет бедарвоза уйга ўхшайди. Ундаги маълумотлар кимнингдир манфаати учун хизмат қилади. Менинг ҳаёт йўлим сизларга ибрат бўлсин, қадрли укалар, акалар, сингиллар.

Айтар сўзим сўнида яна бир қарра Президентимизга, оёққа туриб, ҳаётимни изга солишга кўмак берган барчага миннатдорлик билдираман.

Адҳамжон ИРМАТОВ

Андижон шаҳри, “Гумбаз” маҳалла фуқаролар йиғини

Бандлик

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Пурвиқор тоғлар, қояларга қўнаётган булутлар, манзилига йўл олган ирмоқлар, ястаниб ётган қир-адирлар, бепоеъ даладар, қўланкаси майдон қўллар... Бу Қашқадарё манзаралари. Вилоятнинг умумий ер майдони 28 минг 600 квадрат километр бўлиб, республика умумий ер майдонининг 6,4 фоизини, экин майдонлари 679 минг гектарни ёки мамлакатимиз экин ер майдонларининг 16,8 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистондаги мавжуд жами лалми экин ерларининг 34 фоизи ёки 259 минг гектари ҳам Қашқадарё ҳудудида.



УЛКАН САЛОҲИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Вилоятда 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурига асосан 15,2 триллион сўмлик 1615 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 19 минг 617 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган 8 ойида 120,2 миллиард сўм инвестиция ҳисобига 401 та тадбиркорлик лойиҳаси амалга оширилди ва 1757 та иш ўрни яратилди.



Унинг тупроғи қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилиқни, қулай географик жойлашуви ишлаб чиқариш ва саноатни, бетақор табиати эса туризмни кенг ривожлантиришга имкон беради. Булар бутун дунё иқтисодиётининг устуни бўлиб турган соҳалар эканлиги инобатга олсак, Қашқадарёнинг салоҳияти нечоғлиқ катта экани яққол кўринади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар Қашқадарёда бутун буй-баста билан намоян бўляпти. Қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, газ, электр, ичимлик сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқлардаги янгиланиш ва ўзгаришлар одамларни келажакка ишонч билан интилиб яшашга ундамоқда.

Камбағалликни қисқартриш йўлидаги муҳим қадамлар

Вилоятда 2020-2022 йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастурига асосан, 15,2 триллион сўмлик 1615 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 19 минг 617 та янги иш ўрни яратиш белгиланган.

Тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган 8 ойида 120,2 миллиард сўм инвестиция ҳисобига 401 та тадбиркорлик лойиҳаси амалга оширилди ва 1757 та иш ўрни яратилди.

Кўрсаткичларнинг ижобий тенденциясида тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта бўлаётгани қувонарлиқдир. Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбасини шакллантириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 3274 та кичик бизнес субъекти янгидан ташкил қилинди ва 10 мингга яқин янги иш ўрни очилди. Кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўмга яқин кредит ажратиб берилди.

Илм якунига қадар яна 3711 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинади, 1400 тасининг фаолияти тикланади ва 11590 кишининг бандлиги таъминланади. Жумладан, Қарши туманидаги LT “Tekstil International” кўшма корхонаси, Косон туманидаги “Бунёдор” МЧЖ, Китоб туманидаги “Китоб ил йигирув” АЖ, Яқкабғор туманидаги “Рус дост текстиль” МЧЖ ва Шахрисабз шаҳридаги “Шахрисабз текстиль” МЧЖ корхоналари томонидан жами 34,8 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 3050 та янги иш ўрни пайдо бўлади.

Вилоят маркази Қарши шаҳрида 276 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда шаҳар тубдан ўзгариб,

замонавий қиёфа касб этмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида 3 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача таълим ташкилоти, тадбиркорлар томонидан 30 дан зиёд объект — меҳмонхона, тўйхона, умумий овқатланиш шохобчалари, дорихона ва клиникалар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Шаҳарда аҳолини иш билан таъминлаш, доимий даромад манбага эга аҳоли қатламини кенгайтириш, “темир дафтар”да қайд этилган оилаларни камбағалликдан чиқаришга алоҳида эътибор қаратилаётмир, — дейди Қарши шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Дўстмурод Султонов. — Бунда янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш қувватлари, лойиҳалар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Кейинги уч йилда шаҳарда 2093 та кичик бизнес субъекти ташкил қилинди.

Хусусан, саноат тармоғида “Ширин ният барака” масъулияти чекланган жамияти томонидан мева ва सबзавотларни қуриштириш линияси ишга туширилиши натижасида 50 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг аксари янги “темир дафтар”да қайд этилган оилалар аъзолари ва ёшлар экани, айниқса, аҳамиятлидир. Бугунги кунда улар томонидан ҳар ойда қарийб 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорга етказилмоқда. Корхона маҳсулотлари Россия, Германия каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

— Бир неча йилдан бери ишсиз ўтиргандим, маҳалламизда мазкур корхона фаолияти йўлга қўйилганидан кейин шу ерга ишга кирдим, — дейди Юлдуз Мустафокүлова. — Ишим ўзимга ёқади. Корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Энг асосийси, ишхонам уйимизга яқин.

Қаршида ташкил этилган кичик саноат зонасида жойлашган “Safe Collection” масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик цехи лойиҳаси 1,2 миллион сўм эвазига ҳаётга тағбиқ этилган. Тайёр кийим-кечак ва бош кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонада 50 турдаги маҳсулот тайёрланади. Корхонада 35 та иш ўрни яратилган бўлиб, асосан, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар аъзолари ишлайди. Зебо Ибодова корхонада ишлаётганидан бениҳоя мамнун. Меҳнатдан роҳат топаётгани гап-сўзларидан шундоқ сезилади.

— Хотин-қизлар учун доим ҳам иш топилавермайди, — дейди тикувчи Зебо Ибодова. — Лекин ҳудудимизда тадбиркорлар кўпаймоқда ва биз каби хотин-қизларнинг уйдан узоқ бўлмаган жойда фойдаланиш имкон яратилмоқда. Шўқри, мана шу корхонада қизиққан соҳам бўйича ишляялман. Бундан оила аъзоларим ҳам мамнун.

“Илтимос, мени “темир дафтар”дан чиқаринг”

“Темир дафтар”га киритилган оилаларни иш билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам бериш чораларини қуришдан ташқари, бу оилалар учун бошқа даромад манбаларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Вилоят бўйича ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити ўрганилиб, 52 минг 249 та оила эҳтиёжманд сифатида “темир дафтар”га киритилган эди.

Қурилган чора-тадбирлар натижасида биринчи босқичда 41 минг 832 та эҳтиёжманд оиланинг меҳнатга лаёқатли, лекин ишсиз 44 минг 930 нафар аъзосининг бандлиги таъминланди.

2020 йил 1 сентябрь ҳолатига “темир дафтар”га киритилган оиладан 22 минг 891 таси иш билан таъминланиб, халқ депутатлари ҳудудий кенгашлари қарорига асосан “темир дафтар”дан чиқарилди. Қайта ўрганишлар жараёнида яна 16 минг 860 та оила янгиланган “темир дафтар”га киритилди.

Ҳозирги кунда “темир дафтар”да 46 минг 218 нафар оила мавжуд. Бу оилаларнинг меҳнатга лаёқатли, ишсиз 46 минг 861 аъзосини жорий йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ишга жойлаштириш режаси ишлаб чиқилган.

Жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчилик йўналишида 3703 нафар, жамоат ишларига жалб қилиш ҳисобига 11542 нафар, ўзини ўзи банд қилишга 18641 нафар, ҳудудий инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ҳисобига 2576 нафар ва 10399 нафарининг бошқа йўналишларда бандлиги таъминланади. Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан 44,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади.



Қарши шаҳридаги “Қамчибек Қўрғонча” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Айни пайтда 33 та оиладан 18 таси “темир дафтар”дан чиқарилди.

— Камбағалликдан чиқариш учун оилаларга моддий ёрдам беришнинг ўзи камлик қилади, — дейди “Қамчибек Қўрғонча” МФЙ раиси Анвар Ҳақимов. — Бу борада аҳолини иш билан банд қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам “темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ишга лаёқатли аъзоларини маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари, тижорат дўконларига ишга жойлаштиришга кўмаклашилди. Бундан ташқари, 9 та эҳтиёжманд оилага субсидия ажратилиб, ихчам иссиқхона қуриб берилди.

Роҳат Болтаеванинг икки фарзанди ҳали воёга етмаган, турмуш ўртоғи вафот этган. Ишлай деса, болаларини ёлғиз қолдириб бўлмайди. Ишлайми деса, рўзгорига янама оғир бўлади. Шу боис, унга томорқасининг ўзидан даромад топиши учун имконият яратиб берилди.

— Апрель ойида иссиқхона қуриб беришган эди, — дейди Р.Болтаева. — Иссиқхонага бод-ринг, помидор, булғор қалампирини экиб, яхшигина даромад кўрдим. Шу пайтгача маҳалладаги хотин-қизларга қўйлақ тикиб бериб, тушган пулни рўзгоримга сарфлардим. Қарасам, тикувчиликдан яхшигина даромад топса бўларкан. Давлатга боқиманда бўлишни ўзимга эп кўрмай, етти фоизли имтиёзли кредит олиб, учта тикув машинаси харид қилдим. Маҳалламиздаги ўзимга ўхшаган уч нафар хотин-қизни ҳам бу ишга жалб қилиб, хунар ўргатдим. Ҳозир болалар ва аёллар учун кийим-кечак тикиб, даромад қилялман. Ана шу даромад ҳисобидан уйимни таъмирдан чиқардим, яна қўшимча уй солялман.

“Харажқўй” маҳалласида яшовчи, “темир дафтар”да рўйхатда турувчи Нигора Тоҳирова 30 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига бугун ўзи каби саккиз нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган барча моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келялман, — дейди Н.Тоҳирова. — Воёга етмаган тўрт фарзандим бор. Пандемия шароитида қўрсатилган ёрдам туфайли оиламиз қийналгани йўқ. Бунинг учун миннатдоримиз. Халқимизда “Қўлдан берганга қуш тўймайди”, деган ҳикмат бор. Шунинг учун ҳам давлатимиз берадиган ёрдамга қараб ўтирмасдан, банддан 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, саккиз та тикув машинаси харид қилдим. Маҳалла “Темир дафтар”га киритилган оилалардаги аёлларни иш билан таъминлаш шарти билан жой қилиб берди. Ҳозир саккиз нафар аёл билан футболка, кўрпа-тўшак жилдлари, иш кийимлари тикиялмиш. Даромадимиз яхши. Мени “темир дафтар”дан чиқаришларини сўраб ариза берганман. Чунки моддий ёрдамга муҳтож, мендан ночорроқ оилалар бор.

Бугун Қашқадарё амалий натижа билан мустаҳкамланаётган, ўз меvasи, ҳосилини бераётган ўзгаришлар оғушида. Энг муҳими, уларнинг самарасини бу воқеада яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз ҳаётида ҳис эятапти.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда кам даромадли кишиларни камбағалликдан чиқариш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юзлаб эҳтиёжманд аҳолининг эртанги кунга ишончини ошириб, моддий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хушхабар



Янгибозорда янги хорижий корхона

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида иш бошлаган “AGRO MERGEN MCHJ” хорижий корхонаси қишлоқ хўжалигида зарур органик ва кимёвий препаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини бардан озиклантириш ва зараркундаларга қарши ишлатиладиган кимёвий препаратлар шу кунгача четдан келтирилар, бу эса анчагина қимматга тушарди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда таннаҳр ошиб кетишига олиб келарди.

750 минг АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция ҳисобига ишга тушган технологик линия дастлабки маҳсулотларини ишлаб чиқариб, вилоят фермерларига етказиб бера бошлади.

— Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларга яратиб берилаётган имтиёз ва шароитлар ҳозир деҳқончиликда илғор технология сифатида эътироф этилган ва самарадорлиги аллақачон ўз исботини топган органик ва кимёвий препаратларни ишлаб чиқариш учун юртингизга келиб корхона очишимга асос бўлди, — дейди хорижий корхона раҳбари Айдин Лал.

Янги корхонада ўн нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда.

Кун қаҳрамонлари

Дилфуза МАҲҚАМОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси,
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори

— Кечирасиз, синглим, шу “дом”да яшайсизми?
Зарур юмуш билан кўчага чиқиб кетаётсам, қаршимда бошдан-оёғигача
ҳимоя кийимини кийиб олган, бир неча қават тиббий никоб таққан,
қўлида тиббиёт сумкасини ушлаб олган шифокор турарди.



МЕҲНАТИНГИЗ
ҚАРШИСИДА
ТАЪЗИМДАМИЗ!

— Ҳа, шу уйда яшайман, — дедим.
— Ун иккинчи хонадон қайси, нечанчи қа-
ватда жойлашган?
Афтидан беморнинг ҳузурига тезроқ бо-
риб, ердан кўрсатишга ошиқаётгани аққол
кўриниб турган тез тиббий ердан шифоко-
рига ўша хонадон жойлашган қаватни кўр-
сатиб юбордим.

Кун иссиқ, кўчадаги ҳарорат танани қиз-
дирар, одам ҳатто нафас олишга қийна-
лади. Савдо шохобчасидан керакли маҳ-
сулотларни олиб, уйга қайтганимгача ҳам
иссиққа чидолмадим, толиқиб уйга қайтдим.
Ана шундан кейин ёши мендан катта-
роқ ўша шифокор аёлининг кўриниши ва
ҳолати кўз ўнгимдан кетмай қолди. Ёзининг
сўнгги кунлари, коронавирус пандемияси
пайтида мен оила аъзоларим ва фар-
зандларимни ушбу кўринмас балодан асра-
ш учун уйда қолган паллада шифокор
аёлининг ҳасратидан гурурландим. Унинг
ҳам оиласи, фарзандлари бордир, илҳақ
бўлиб қутийшадигандир. Иш тугаб, уйига
отланганида кўнглида қанча ҳадик, қанча
хавотир яшар?

Оммавий ахборот воситалари ҳамда
ижтимоий тармоқлар орқали тожикимон ви-
русни юқтириб олган беморлар ҳаётини
сақлаб қолиш йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган шифокорлар ҳақидаги кўрсатув
ва лавҳаларни мунтазам кузатиб бораёт-
ган журналист сифатида айнан улардан
бири билан юзма-юз учрашганим фикру
хаёлимни буткул банд этди...

Тарихқа назар ташлайдиган бўлсак, ин-
соният ўз бошидан қанчадан-қанча кескин
ва зиддиятли воқеаларни кечирган. Ана
шундай мураккаб жараёнларда миллат
қаҳрамонларининг фидокорона меҳнати
боис, ғалабага эришилган. COVID-19 пан-
демияси шароитида бутун дунё ахли ши-
фокорларни чинакам қаҳрамон сифатида
эътироф этмоқда. Шу ўринда юртимиз ши-
фокорларининг меҳнатлари ҳам эътирофга
молик эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.
Президентимиз айлани шу мақсадда уларнинг
бир гуруҳини Мустанқиллик байрами арафа-
сида давлатимизнинг юксак унвон, орден
ва медаллари билан тақдирлади.

Бугун кўнглида ватан меҳри жўш уриб
турган ҳар бир ватандошимиз тиббиёт хо-
димларига чин дилдан тасаннолар айтаёт-
гани рост.

Давлатимиз раҳбари айлани мураккаб ва-
зиятда тиббиёт ходимлари меҳнатини муно-
сиб баҳолаб, бундай деди: "... Дунё бўйлаб,
хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг
ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-онала-
римиз, фарзандларимиз соғлиғи йўлида
туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун
жасорат намунаси бўлмоқда. Хурматли
тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлиғини
гаровга қўйиб, пандемия билан курашаёт-
ган шифокорлар, ҳамширалар, санитар хо-
димларга бутун Ўзбекистон халқи номидан
кечкис миннатдорлик билдираман".

Яқинда ижтимоий тармоқлар ор-
қали COVID-19 пандемиясига қарши

курашаётган шифокорларнинг иш жараё-
нидан туширилган суратлар пайдо бўлди.
Хизматдан ҳориб, шифохона йўлагига дам
олаётган ёки жиққа терга ботган ҳимоя ки-
йимини алмаштираётган кун қаҳрамонла-
рининг ушбу суратларини кўриб, ҳар бир
ватандошимиз кўнглида турли ҳис-туйғулар
жўш ургани шубҳасиз.

Шоира Зулфия Мўминова ўзининг фейс-
букдаги саҳифасида шундай суратдан би-
рини жойлаб, қуйидаги постни қолдиради:
"Муҳтарам дўст! Шу кунларда мана шу
суратга боқиб, кўзларимдаги ёшни тўх-
татолмаяпман. Бу ғурур кўз ёшлари. Бу
миннатдорлик кўз ёшлари. ВАТАН шундай
севилди. Жасорат шундай кўрсатилади.
Юртга муҳаббат шундай, бошини эгиб, қўк-
сига муштламай, қаро терга ботиб, сўзсиз
исботланади. Сиз кимсиз, ўғлим?! Уйқусиз-
ликдан қизарган кўзларингиз, жисму жонин-
гиздан оқаётган тернинг шўрлари менинг
кўзларимга кирди, жоним ачимоқда. Бемор-
лар омон қолиши учун жонингизни жаббор-
га берганим, кимсиз?! Миллат омон қолиши
учун ҳатто жонини берган ҳамкасбларининг
ҳам ўрнига хизматда турганим, кимсиз?! Бу
кунлар ўтсин. Биз сизни барибир толамиз,
камтариним! Сиз ҳар бир шифохонадасиз.
Карантин зоналаридасиз, ҳарбий госпитал-
ларда, вирусология институтида, юқумли
касалликлар шифохоналарида, илмий ла-
бораториялардасиз. Сиз бизга ҳаёт қадар
қадриликсиз!

Сизнинг бу суратингиз ҳар бир хонадон-
да туриши керак.

Сизнинг бу суратингиз ҳар биримизнинг
виждонимизга ҳавола.

Бошқа гапиролмайман..."

Ҳа, бугун юртимизда фаолият юри-
таётган турли соҳа вакиллари тиббиёт
ҳодимларига ўз миннатдорлигини турли
кўринишларда изхор этмоқда. Жумладан,
ижодкорлар ўз битикларида, журналистлар
ўз мақолалари орқали ва ҳоказо. ОАВ ва
ижтимоий тармоқларда бундай чиқишлар
сони ортиб бораётганини шифокорлар кўнгли-
га заррача таскин ва кўтаринки руҳ олиб ки-
раётган бўлса, биз ўз инсоний бурчимизни
адо этдик, мақсадимизга эришдик, деймиз.

Мутафаккир алломо Абу Али ибн Сино
бундан бир неча аср муқаддам "Тирикчилик
ҳақидаги уйлар шифокорни бемор ва тиб-
биётдан қалғитмаслиғи учун у қиммат отда
юриши, қиммат узук тақийши, яхши уйда
яшайши керак", дея таъкидлаган эди.

Президентимиз жорий йилда парламент-
га мурожаатида соғлиқни сақлаш тизимини
ривожлантиришга ҳам алоҳида тўхталиб,
юқоридаги фикрга уйғун равишда, жумла-
дан, бундай деган эди: "Соғлиқни сақлаш
tizimини ривожлантириш, тиббий хизмат
сифатини ошириш бўйича ислохотларимиз-
ни ҳам қатъият билан давом эттирамиз. Ши-
фокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақоми-
ни кўчатириш, халқимиз ўртасида уларга
нисбатан ҳурмати ошириш, ушбу касб эга-
лари учун муносиб меҳнат шароити яратиш
ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий
чора-тадбирлар кўришимиз даркор".

Шу боис, жорий йилда маъзуру соҳа
вакиллари меҳнати ҳам моддий, ҳам маъна-
вий жиҳатдан муносиб тақ-
дирланмоқда, мунтазам рағбатлантириб
борилаяпти.

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари

Бахтиёр Абдусатторов

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



Мунаввара УСМОҶОВА,
"Саодат" журна-
ли бош муҳаррири

Инсон қалбида Ватанни
таниш, ўзликни англаш
туйғуси айлани болалик
чоғиданок уйғонса керак.
Эрта баҳорда уйимиз
айвонига ин солиб,
чўғурлаб файз бера
бошлаган қалдирғочларни
кўрганимда онамга:
— Онажон, оёғига ип бойлаб
қўйган қалдирғочингиз
келдими, кўрдингизми?" —
дея саволга тутардим.

— Ҳа, болам, — дердилар онам
ҳам боладек қувониб. — Яна ўзи
келди. Болаларининг оёғига бойла-
ган тўпча ипагим бошқачайди, минг
шукр, яна она қалдирғоч омон-эсон
уйини топиб келди. Қадами қўтлуғ
қўш бу, хосиятли, баракали қўшгина-
да, келганига жоним фидо бўлсин-эй!
Қара, ташлаб кетган уйини ҳар баҳор
топиб келишининг ўзи мўъжиза-ку!
Вой, бу қўшганининг кўзчасига дунё-
нинг картаси чизилган чоғим. Юрак-
кинаси ўзидан катта бўлса керак. Бе-
чора холамнинг боласи шу қўшчалик
бўлмади-я, инига қайтмади. Топол-
май қолди туғилган тупроғини...

Ҳар гал юртимизда, кўнглимизда
бўлаётган ободликларни кўрганим-
да болалик хотираларимга муҳрлан-
ган суратлар жонлангандай бўлади.
Шундай ёрқин кунларни кутиб яша-
ган, отадек меҳрибон инсон — усто-
зимни соғинганимни ҳис этаман...

Олти ёшимда мактабга бордим.
Махаллада бирга уйнаб юрадиган ду-
гоналарим мактабга кетган, "мен ёлғиз
қолдим", деб хархаша қилаверганим-
дан, дадам мени етаклаб мактаб ди-
ректорининг ёнига олиб борди. У ерда
нима гап бўлганини билмайман-у, эр-
таси кунни мен ҳам онам жимдотмадан
тикиб берган сумкани кўтариб мактаб-
га бордим. Устозимиз жуда меҳрибон,
мулоий инсон эдилар. Синфдагилар
қатори тезгина ўқиш-ёзишни ўрганиб
олдим. Айниқса, устозимиз яхши жа-
воб берган ўқувчини "аъло" баҳо би-
лан бирга, ширинлик ва туршаклар
билан сийлагани кўп болаларнинг
ўқишга бўлган қизиқишини ортирар-
ди. Алифбе байрамида ҳаммадан
кўп шёърлар айтдим, рақс тушиб қу-
вонган пайтим олқишлаб ўтирганлар
орасида акамни кўриб йилгаб юбо-
рай дедим. Дугоналаримнинг онала-
ри кўйроқ, гуллар кўтариб байрам
тараддудини кўриб келган, онамдан
дарақ йўқ эди. Фелимининг айнига-
ни кўрган акам саҳна четира келиб:
"Йилгаб юборманг, уят бўлади. Сиз
янаги йилгама Алифбе байрамида
қатнашкансиз, ўшанда дадам, онам
иккаласиям келаркан. Байрамингиз
туғаса, мен сизга дўкундан танлаган
нарсангизни олиб бераман", деди
шавирлаб. Бола эканман-да, яхши
ўқиганларга икки марта Алифбе бай-
рами бўларкан, деб ўйлаб анчагача
қувониб юрибман.

Бир куни мактабимизга комиссия
келди. Синф журналини ўқиб, бир-
бир йўқлама қила бошлади. Негадир
менинг фамилиям тилга олинмади.
Кўл кўтариб, "Устоз, мен чикмадим",
дедим ўқисиниб. Келган киши ўқитув-
чимизга савол назари билан қаради.
Устозимиз бир менга, бир ўша одамга
қараб, иккиланган кўйи жавоб берди:
— Бу қизим ҳали мактаб ёшига
етмаган. Журнал ёнидаги дафтарга
шунчаки ёзиб юраман. Отаси илти-
мос қилиб...

Устоз гапининг давомини ичига
ютиб юборди. Синфимизга комиссия
бўлиб кириб ўтирган амакининг ранги
ўзгарди. Қошини чимириб, қовоғини
уйиб олди. Ҳаёлимда устозимга тар-
саки ортиб юборадигандек кўрқиб
кетдим, юрагим гулпилаб уриб, бо-
шимга оғрик кирди.

— Ие, бу нима деганингиз, дом-
ла?! Сонда йўқ, санокда йўқ болани
таниш-билиш қилиб ўқитиб юривера-
сизми? Кимдир бешиқдаги боласини
кўтариб келиб, кўз-қулқоб бўлиб туринг,
деса, майли, дейсизми? Мен бу маса-
лага жим қараб туролмайман. Эрта-
га боланинг тақдирини нима бўлади?
Нонни "нанна" дейдиган ёшда мактаб

ВАТАН АЙВОНИДАН
УЧГАН ҚУШЧАЛАР

партасига ўтқазиб қўйишга ким ҳуқуқ
берди? Ёки бойвачча отаси сизга ало-
ҳида ойллик тайин қилганими?
Нима деб жавоб қилишини бил-
май, каловланиб қолган устозим:
— Отаси мен билан эмас, мактаб
директори билан гаплашган. Аммо
қизимиз ўқиш-ёзишни синфдагилар-
нинг ҳаммасидан тез уддалади, —
деди. Кейин ўша амаки ҳаммамизга
Ўқиш китобидан бир-икки сатрдан
ўқитиб кўрди, ёзув дафтарларини
текшира бошлади. Менга навбат
етганида, дафтаримни қўлига ҳам
олмади. "Даданг нима иш қилади, ки-
залок?" деди синовчан назар билан
менга тикилиб.

— Шопир, — дедим партанинг та-
гига кириб кетгудай аҳволда. Кейин
ўзимни тутиб олдим. Бор кучимни
тўплаб, бўғзимда турган гапимни
айтдим.

— Устозимиз ҳар куни памилалар-

— Сенга эртага чарм сумка юбо-
раман, сенга ярашади, — деди.
— Йўғ-э, дадамнинг пули кўп,
яқинда оверади. Қўшнимиз, ҳалиги
мен билан партада ўтирадиган Тожи-
хон дугонаминикидек сумка оверади.
Раҳмат.

Устозимизга китобларимни кўрсат-
сам хурсанд бўлади...
Эртасига ҳамма қатори катта
синф журнаliga исм-фамилиям ёзи-
ла бошлади. Бахтиёр эдим.

Синфда 36 нафар бола тахсил
оларди. Кўп учиди таъмирланган
қўш хонаси шифтидан ёмғир шир
этса, чакка ўтарди. Чакиллаб томиб
турган томчиларга кичкина тоғора-
лар қўйиб, суви тўлганда навбат би-
лан тўйиб турардик. Ёдимда, ўшанда
иккинчи синфда ўқирдик. Қиш жуда
қаттиқ келди. Мактаб синф хонала-
рини иситиш учун ажратилган ўтин-
қумирлар қиш яримламай тугаб қол-

қушчалардек сумкасига ўтин солиб
келиб, олов ёқмайди. Ёски парта-
ларга қоқилган мана бундай михлар
болажонлар танасига наштардек
санчилмайди, қўлчаларини тилиб,
кийимини тўзғитмайди. Шамоллаб,
иссиғи чиққан болани елкасига олич-
лаб мен каби ношуд муаллим олис
масофага югуриб бормайди. Мен-ку,
кексайиб боряпман, ўша ёруғ кун-
ларни кўрмасам керак, аммо сизлар
насиб этса кўрасиз. Ушандаям эрта
баҳор йўлингизга пояндоз бўладиган
шу митти гулчалар, ердаги қуёшча-
ларни кўганингизда мени эста олар-
сизлар, — деди кўз ёшларини енг
учига артиб.

Кейин, кейин жўр овоз бўлиб:
"Омонлик, омонлик, сира кўрмайлик
ёмонлик...", дея сариқ гулчаларни кў-
зимизга суртдик...

Бир куни ёзма иш ёздик. Ватан сў-
зини хато қилиб, "Ватаан", деб ёзиб



ни ўқиганда мен журналда борийдим,
сиз кўрмай қолдиз-д-а-а, устозимни
бошқа уришманг. Майли, мен энди
мактабга келмайман, кечиринг, —
деб йилгаб юбордим. Доска олдида тур-
ган устозим ёнимга келиб, титраган
қўллари билан бошимни силади:

— Йилгама, қизим, йилгама!
Шундай ўқувчиларим борки, кун
ора дарсга келмайди, уйига бориб,
велосипедаг миндириб олиб кела-
ман, яна дарс охирига етмай қочиб
кетди. Ушандайларга харф танита
олмай, сочимга оқ тушди. Бу болам
муштекана бўлиб... тонг отиши би-
лан мактабга югуради. Шу қизгина
синфхона олдида совқотиб ўтириб-
ди, деб ўйлаб ҳаммадан илгари ишга
келаман. Ҳўжжатлари қайд этилма-
гани учун унга бирорта дарслик ки-
тобим берилмаган. Биринчи синф
ўқувчилари орасида бунақа зехни
ўқирлари бармоқ билан санокли.
Синфдошларининг китобидан фой-
даланади. Юқори синф дарслиқла-
ридаги кўп шёърларни ёд олан. Ҳис-
симанг болани... Қанча жоз бўлса,
қанча хато бўлса, менинг зиммамга.
Мен аниқ айта оламани, дадаси
бир этак боласидан ошириб, мактаб
директорига битта нон ҳам бергани
йўқ, одамгарчилик деб шу ишларни
қилгандир ... — деди.

Комиссия ёнимга келиб, дафтар-
ларимни бирма-бир варақлай бош-
лади.
— Унча хуснихат эмас экансан-ку,
аммо хатосиз ёзаркансан, сумкангда
китобларинг бор экан-ку? — деди
дўппайиб турган китоб халтасига имо
қилиб.

— Акамларнинг китобидан соб ке-
ламан. Сумкам бўм-бўшда-а-а-а...
— Улар уршмайдики?
— Йўқ, улар "расписания" қибу-
гандан кейин, билдирмай олиб сум-
камни тўлдирувотман.

— Акаларинг нечта?
Негадир яна йилганди келди. Йил-
лаб ҳам юбордим. Гапиролмадим.
Иккала кўлимнинг ҳамма панжасини
очиб, "шунча" деёлдим аранг.

— Сумкангни ким тикиб берган?
— Онам тикиб берди. Мана, сиёҳ-
дон соладиган чўнтағиям бор...

— Маза қилиб болакининг гашти-
ни суриб юрмaysанми, қизалок, ҳали
ўқоврийми...

Уша кунни ўша яхши одам мактаб
кутубхонасига етаклаб олиб бор-
ди, керакли дарсликларнинг барини
олиб берди. Ҳалиги дунёдаги энг
бахтли боладек ҳис этардим. Севин-
ганимни кўриб:

ди. Ота-оналар келишуви билан ҳар
кунни синф хонасини иситишга "де-
журлик" ташкил этилди. Катта хона
ўртасига ўрнатилган чўян печкага ўт
қалаш ўқитувчимиз зиммасида эди.
Бир куни устоз:

— Эртага сенинг навбатингми, Му-
саҳон? — деди ҳеч биримиз билан
гаплашмай охири партада ўтиради-
ган синфдошимизга қараб. Қўзини
ерга қадаб, чурқ этмай ўтирган бо-
ларнинг ёнига келиб, бошини силади,
негадир устознинг кўзлари ёшланган-
дай бўлди.

— Майли, болам, хафа бўлма, уй
шароитингни биламан. Мен ҳам сен-
дай пайтимда онадан етим қолган
ман. Қисматнинг тошига урилмаган
бош йўқ, болажоним. Сен уйланим,
ўқисина, ўзим обхеламаман...

Эрталаб синф хонаси бурчаги
ўтин гўласи билан тўлатилганини кў-
риб, ҳаммамиз қувондик. Печка ёни-
да ўт қалаётган устозимиз суянгани-
мизни кўриб:

— Болаларим, баҳорга чиқи-
шимизга оз кунлар қолди. Энди
қийналиб, уйдан ўтин-чўп кўтариб
келманлар, ўзим бир амаллапман.
Сизларни кўп қийнаб қўйдик. Фақат
келаси йили сизларга "аъло" баҳо-
ларингиз учун сийлаб туршак берол-
майдиган бўлдим-да, — дедилар.

Устоз ота-онамиздай қадрдон,
меҳрибон эди. Эрта баҳорда очилган
момақаймоқлардан териб, ҳамма-
мизга тутардилар:

— Болаларим, қўлимдаги оддий
гина кўп ёки чечак эмас. Қаҳратон
қаҳридан кўркмай, аёз билан олиш-
иб, совуқ тупроқларга қоришиб,
бош кўтариб очилган гулчалар ер-
даги хокисор қуёшчалар! Сизларга
ўқшайди шу гуллар! Қорлар кечи-
б, йўл босиб келган, қўлчалари совуқ-
дан қизариб, ёрилиб кетсаем, би-
лим оламан деб интилган болаларга
ўқшайди улар. Томлари тешилган
синфхонада бошидан совуқ томчи-
лар чакиллаб томиб турса ҳам, кўмир
иси, таппи тўтунидан бўғриқса ҳам
"мен айтмай", деб қўл кўтариб турган
мардонна болаларга ўқшайди бу гул-
лар. Кийимимдаги ёмоғидан уялиб,
доскага чиқмай қимтиниб турадиган,
йиртилган этикда ёғи совуқдан қо-
тиб қолсаем, мактабга келган аълочи
болаларга ўқшайди бу гуллар. Шу
боис, гулнинг пешонасидан ўпаман,
кўзларимга суртаман. Ҳали шундай
омон-омон кунлар келадики, чирой-
ли иморатлар қад ростлайди. Бола-
лар ёруғ, шинам мактабларда ўқий-
ди. Тумшугида хас ташиб, ин қурган

қўйибман. Ёзувнинг тагига қизил чи-
зиқ тортилган-у, аммо баҳо "беш" эди.

— Устоз, хато қилсам ҳам "беш"
қўйганингиз учун раҳмат, — дедим
севиниб.

— Бу кечиримли хато. Ватан сўзи-
нинг ҳамма харфини иккитадан ёзсанг
ҳам хато демайман, болам. Иккита "а"
бўлса, янаям хайқириб айтгандек бў-
ларкан. Ота-боболаримиз шу юрт туп-
роғини покиза сақлайман, деб жонини
фидо айлагани бизга ибрат бўлиши
керак. Авваллари ота-оналар фар-
зандларига бошқача исм қўйишарди.
Исmlарнинг маъносига эътибор бе-
рилмаган. Эндиги исmlар ҳам файли.
Эҳтимол, Ватан тақдирига болғик яхши
тилак, умид, ниятлари борлигидан
бўлса керак. Синфимиздаги болалар-
нинг исmlдан юртнинг эртанги кунини
ўқисак, башорат қилсак бўлади, —
деб беш-олптига ўқувчини танлаб ёзув
тахтаси ёнига чиқарди. Доскага катта
харфлар билан Ватан сўзини ёзиб, қ-
торлашиб турган болаларнинг исмини
айта бошладилар. Ҳаммамиз ҳўровоз
бўлиб тақроқлардик: "Эркин, Озод, Гу-
зал, Одил, Гулгун, Жасур — Ватан бу-
у-у". Чиройли сўзлар топилаганидан
ҳаммамиз севиниб олқишладик, ёним-
да ўтирган Саодат: "Нега ҳаммамнинг
исми юртга қариндош, меники йўқ", —
деб йилгаб юборди.

— Унда мен-чи, — дедим ўпкала-
ниб. Хуриниса ҳам бизга қўшилди.

— Келинлар, болалар, шу йилго-
қи қизларимизнинг исмига ҳам сўз
бойлаймиз: Саодатга интилган эл-
нинг келажакчи хур, йўллари мунав-
вар бўлади.

Устозим орзу қилган саодатли,
фаровон, мунаввар кунлар келди.
Йиларимиз, дилларимиз обод бўлди.
Менинг биринчи устозим Тожирали
Дадажонов бугун орамизда йўқ, аммо
мен каби юзлаб шогирдларининг қал-
бида, юрагида яшайди. Энди ақлим-
ни таниб, тушуниб етдим. Устознинг
ҳар бир гапи қомилликка, эзгулик,
яхшиликка йўғрилган экан. Дунё
дан дунё, яхшилик ичидан эзгулик,
сўз ичидан гафхар топадиган инсон
эканлар. Гоҳида қўкка қараб бор ово-
зим билан:

— Устоз, отажон, қаранг, сиз айт-
ган кунлар, даврлар, давронлар
келди. Биз омон эканмиз, сиз ҳам
хаётсиз. Бизлар билан бирга ҳамон
одимламоқдасиз. Худди биздек тон-
ғни кўриб, ойдин тунларда эл тинчи
дея, дуолар қилясиз. Сиз, сиз ме-
нинг юрагимда, Ватан ичидаги Ва-
т-а-а-нда яшаяпсиз! — дея хайқир-
гим келади.